ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00243

ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МОҲИЯТИ

С. Р. Абдалова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, ўқув машғулотларида учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, педагогик мақсад ва вазифаларни аниқлашнинг моҳияти, ўқув машғулотларини лойиҳалаш, ўқув машғулотларида фойдаланиладиган замонавий усуллар, машғулотларни ташкил этиш мазмуни, унга қўйиладиган замонавий талаблар кабилар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: билим, кўникма, малака, компетенция, технология, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш, педагогик мақсад ва бошқалар.

THE IMPORTANCE OF DEFINING PEDAGOGICAL PURPOSES AND OBJECTIVES IN THE DEVELOPMENT OF INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS

S. R. Abdalova
Associate Professor, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article discusses the development of intellectual abilities of students, the problems encountered in the classroom and ways to overcome them, the importance of defining pedagogical goals and objectives, the design of the classroom, modern methods used in the classroom, the content of the classroom.

Keywords: knowledge, skills, qualifications, competence, technology, education, science, production, pedagogical purpose and more.

КИРИШ

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқув машғулотлари мақсадини аниқ қўймасдан туриб кўзланган натижага эришиш, аниқ мақсадсиз эса белгиланган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00243

вазифаларни амалга ошириш ва амалий натижага эришиш мумкин эмас. Мақсад қандай қўйилса натижа ҳам шундай бўлади. Педагог ўз олдига аниқ якуний мақсадни қўйсагина, у унга эришиш йўлларини излайди. Мақсадни қўйишда эҳтиёж ва муаммоларни таҳлил қилиш, мақсадни муҳим муаммоларга қаратиш, жиддий ва аниқ мақсадларни қўйиш, мақсадларни унга эришилганликни аниқлаш йўлида шакллантириш, мотивация уйғотувчи мақсадларни қўйиш, мақсадлардан фаолият иштирокчиларининг хабардор бўлишига эътиборни қаратиш, ҳар бир машғулотнинг мақсади дастур мақсадига мос келишини таъминлаш талабларига амал қилиш лозим.

Машғулот мақсадини ушбу талаблар асосида шакллантириш учун педагог, машғулотлар якунида нима олиш кераклигини, натижага эришиш учун қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш лозимлигини билиши керак. Бугунги кунда мақсадларни аниқлаштиришда кўплаб камчиликлар учраб туради, улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мақсадларнинг керагидан ортиқча бўлиши, масштабининг машғулот ресурсларига мос келмаслиги, уларни қўйишда формаллик, машғулот жараёнида мақсадларни тез-тез алмаштириб туриш, уларни шакллантиришдаги ноаниқликлар.

Биз машғулот мақсадларини қўйишнинг қуйидаги алгоритмини тавсия этамиз: мавжуд муаммоларни баҳолаш ва асосийсини аниқлаш, бу муаммоларни аниқ шакллантириш. уларни ечиш босқичлари ва кетма-кетлигини аниқлаш, ҳар бир босқични бажаришда оралиқ натижаларни аниқ шакллантириш, бу босқичлардан қайси бирини машғулот доирасида аниқ амалга ошириш мумкинлигини баҳолаш ва ундан кейин машғулот мақсадини шакллантириш.

Замонавий изланишлар шундан далолат бермоқдаки, педагогик жараёнда мақсад, педагогнинг барча педагогик воситаларни бир тизимга бирлаштиришида ҳал этувчи фактор ҳисобланади. Мақсадни кўзлаш, педагог фаолиятининг шахс фаолияти траекториясини моделлаштиришга, шахсий ривожланишини амалга оширишга имкон берадиган муҳим шарти ҳисобланади.

Ўқитишни режалаштириш ва амалга оширишда мақсадни аниқлаш ғояси, ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини оширишда асосий ҳисобланади. Мақсадни аниқлаш, фақат таълим олувчиларнинг фаолиятини аниқламасдан, педагогларни ҳам, шунингдек ўқитишнинг мос технологияларини ҳамда олинадиган натижаларни баҳолаш мезони тизимини аниқлашга имкон берувчи бутун таълим муассасаларникини ҳам аниқлайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00243

Педагогик мақсадни аниқлаш таълимга замонавий ёндашувда педагогнинг энг асосий касбий компетентлиги сифатида чиқади. Улар муҳим муаммоларни ечишда, мақсадни аниқлаш жараёнини бир тизимга келтиришда, ижодий фикрлашда, педагогик ҳодисаларни таҳлил қилишда, асосланган педагогик мақсадларни қўйишда, уларни амалга ошириш воситаларни танлашда, шахсий фаолиятини баҳолашдаги педагогнинг қобилияти ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагогик мақсадни аниқлаш муаммоси, кўпчилик хориж олимларнинг диққат эътиборини жалб этмоқда: умумий таълим, дидактика, тарбия тизимида. Дидактикада мақсадни аниқлаш ғоялари ривожланиши ўқув жараёни боришининг умумий ҳамда фикрлаш жараёнининг самарали ривожланиш мантиқига таянган ҳолда муаммоли ўқитиш концепциясига катта ҳисса қўшади.

Педагогик жараёнда мақсадни аниқлаш муаммосига Л.В. Байбородова, Н.В.Кузьмина, А.К.Маркова тадқиқотлари бағишланган. О.Е.Лебедев томонидан таълим тизимида педагогик мақсадни аниқлашнинг назарий асослари ўрганилган. В.Г.Гладких, таълимда педагогик мақсадни аниқлаш муаммоларини таҳлил қилган, раҳбар фаолиятида педагогик мақсадни аниқлашнинг назарий асослари яратилган. Н.Я.Коростылева томонидан бошқарув объекти сифатида педагогик мақсадни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

Педагогик мақсадни аниқлаш таҳлили, унинг моҳиятини тушунишда турли ёндашувлар борлигини кўрсатади. Айрим олимлар концепциясида педагогик мақсадни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари жамоат институти сифатида таълимни лойиҳалашда, педагогик жараённи тузишда, педагогнинг касбий-амалий фаолиятида ёритилган.

Педагогик мақсадни аниқлаш деганда олимлар томонидан қуйидагилар тушунилади: педагогик фаолият мақсадларини тўғри аниқлаш ва қўйиш жараёни, бунда педагогнинг таълим олувчилар билан ўзаро фаолияти ва ўзини мақсади билан жамоат мақсадини режалаштириш қобилияти ҳамда шунингдек унга эришишнинг аниқ мақсади ҳамда самарали усулларини танлаш акс эттирилади (Н.В.Мезенцева); жамият ҳамда ўзининг шахсий мақсадларидан биргаликда фойдаланиш қобилияти, кейин эса уларни таълим олувчиларга муҳокама қилиш учун таклиф этиши (А.К. Маркова); таълим мазмунининг аниқ мақсадлари (таълим, тарбия, ривожланиш), ўқув фани, ўқув мавзулари,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00243

машғулотлар асосида ижтимоий буюртма билан аниқланган таълимнинг бош ижтимоий мақсадлари жараёни (О.А. Бобылева); фақат ўқув мақсадларини қўйиш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш эмас, балки шунингдек, мақсадларни очишни ташҳис қилиш, унда келажакда тузатиш қилиш (Т.П. Ильевич).

Н.В.Кузьминанинг фикрича, мақсадни аниқлаш босқичи шу билан характерланадики, бунда педагог таълим тизими олдида турган давлат мақсадларини педагогик мақсадларга айлантиради ҳамда уларни амалга ошириш воситаларини танлаш ёрдамида таълим олувчиларни тарбия объектидан ўз-ўзини тарбиялаш, мустақил таълим, ўз-ўзини ривожлантириш субъектига айлантиради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўқитиш жараёнида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг қўйилиши билимларни ўзлаштириш ҳамда зарур шахсий сифатларни шакллантириш учун яхши шароитни вужудга келтиради. Ўқув машғулотларида билимларни ўзлаштириш жараёнида қарашлар ва маънавий сифатлар ҳам шаклланади, албатта, яъни мазкур функцияларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги кузатилади. Педагогнинг ўқитиш функциялари ўзаро боғлиқлигини тушуниш унга ўқув машғулотларининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини ижодий йўсинда қўйиш ва ҳал қилиш имконини беради.

Ўқув машғулотида қўйиладиган мақсадлар таълим-тарбия ишларини амалга оширишда усулларни излашга ёрдам беради. Педагогнинг ўқитиш жараёнида ушбу вазифаларни амалга оширишни билиши, уларнинг ижодкорлик ва педагогик маҳорат билан ишлашини таъминлайди. Ўқитиш жараёнида ушбу мақсадларни ажратиш, билимларни ўзлаштириш ҳамда зарур шахсий сифатларни шакллантириш учун яхши шароитларни вужудга келтиради. Ўқув машғулотларида билимларни ўзлаштириш жараёнида қарашлар ва маънавий сифатлар ҳам шаклланади, яъни мазкур функцияларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги кузатилади.

Ўқитишнинг таълимий функцияси мазмунининг бошқа бир жиҳати далили ўқув материалларини ўзлаштиришдир. Бу мақсадни амалга ошириш таълим олувчиларга бериладиган билимларнинг характерига боғлиқ. Бу мақсад қанчалик аниқ белгиланса ва у ўқув машғулотларида олинган материалларга қанчалик мувофиқ бўлса, мазкур жараёнда ўқитиш усулларини танлаш шунчалик осон бўлади. Умумтаълим мақсадлари таълим олувчиларга маълум

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00243

тизимидаги билимлар, кўникма ва малакалар бериш, уларни оғзаки ёки ёзма нутқини ривожлантириш, борлиқни тўғри тушунишлари учун фанлар мазмунидан унумли фойдаланиш, ўқув материалларини қўллаш, келажакда таълим олувчилар мустақил узлуксиз таълимни давом эттириш учун керакли билим, маълумот, кўникма ва маҳоратни таъминлаш, ўқув мазмунини танлаш ва уни структурасини тузиш, янги ўқув материалларини қайта қараб чиқиш ва режалаштириш, таянч тушунчаларни аниқлаш, ўқув материалларидаги умумий масалалардан аниқ масалаларни ечишга ўтишни назарда тутади.

Ўқитишнинг тарбиявий мақсади таълим олувчиларда ижобий қараш ва эътиқодларни, аҳлоқийдик, иродалилик ва ҳиссиётларни шакллантиришдан иборат. Педагог ҳар бир машғулотда ўқув материалларини ўргатиш жараёнида тарбиявий вазифанинг маълум томонини амалга оширади. Дунёқараш, шахснинг аҳлоқий фазилатлари, ҳиссиётлар, иродалиликни шакллантириш узлуксиз жараён бўлиб, уни аниқ чекланган қисмларга ажратиш мумкин эмас.

Тарбиявий мақсаднинг натижалари таълимий мақсаднинг натижалари каби муайян ва аниқ бўлмайди. Тарбиявий мақсад таълим олувчиларда турлича амалга ошади. Ҳар қандай ўқув материалини ўраниш таълим олувчиларнинг камол топишига, ундаги фикрлаш мантиқининг, билиш ва ўқиш мотивининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Бу мақсадлар тарбиялаш, назарияни амалиёт билан боғлаш, фанларга ўрганишни қизиқтириш, тўғри фикрлаш маданиятини тарбиялаш, ақлий, жисмоний, ахлоқий, нафосат, меҳнат, касб тарбияси, ғоявий, ватанпарварлик инсоний хислатларни тарбиялаш, фанлардан мустақил билим олишни давом эттира олишни назарда тутади.

Ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсадини амалга ошириш тарбиявий мақсадни амалга ошириш билан ўхшайди. Тарбиявий мақсадни амалга оширишдаги сингари камол топтириш вазифасини амалга оширишда энг муҳими таълим олувчиларнинг унга интилишини шакллантиришдир. Битта машғулотда анализ, синтезнинг мантиқий усулларини, мавҳум фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, фаол ва мустақил фикрларни шакллантириш вазифасини қўйиш ва амалга ошириш мумкин эмас.

ХУЛОСА

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари албатта, биринчи галда қандай назорат иши орқали текширилиши аниқланиши керак. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда тест ва назорат ишлари танланади. Танланган назорат ҳар бир мақсад учун алоҳида қўлланилади. Масалан, биринчи қўйилган мақсад учун

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00243

алоҳида, кейинги мақсадга эришиш учун алоҳида назорат иши топилиши керак. Барча назорат ишлари умумлаштирилиб охирги баҳолаш маълум қилинади. Масалан: 1-мақсад таърифни ёддан билиш деб белгиланган бўлса, уни ёддан айтиб бериш талаб этилади. 2-мақсад формулани амалда қўллашга ўргатиш бўлса, уни амалда масала ишлаб қўллаш талаб этилади. 3-мақсад формулани ноанъанавий ҳолатда қўллаш бўлса, унга мос мисол танланади ва уни ишлаш талаб этилади.

Демак, нечта мақсад аниқлаштирилган бўлса, шунча назорат иши ҳам ишлаб чиқилиши керак бўлади. Шундай қилиб, мақсад ва назорат иши ўртасида уйғунлик ҳосил қилинади. Назорат ишларини танлашда албатта мақсаднинг характери хисобга олинади. Аниқ белгиланган мақсадлар эса текширишни осонлаштиради. Назорат ишларида турли тест турларидан фойдаланиш мумкин.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июнь 2018 йилдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 қарори.
2. Абдукаримов М., Гаимназаров О.Г. Олий таълим муассасаларида машғулотни ахборот технологиялари воситалари асосида ташкил этиш // “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари” республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т., 2006.- Б.25-26.
3. Абдукудусов О.А. Олий таълим муассасалари рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш йўлида. //Ж. Kasb-hunar taTimi.- 2000. - №1. - С.22-23.
4. Абдуллаев А.Х., Исроилов М., Сатторов 3. Рейтинг натижаларига статистик ишлов бериш оркали таҳлил қилиш. //Ж. Kasb-hunar ta'limi.- 2000.- №2. -С. 12-15.
5. Авлиёқулов Н.Х. «Замонавий таълим технологиялари» Тошкент.: 2001. –69 б.
6. Азизхўжаева Н.Н. «Замонавий педагогик технологиялар», Тошкент, 2002 й.
7. Голиш Л. В. Таълимнинг фаол усуллари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: 2001 й. - 65 б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00243

8. Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари; мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма Т.: ТАСИС, 2001. - 59 б.
9. Коростылева Н.Я. Педагогическое целеполагание в современной школе как объект управления: дис. ... канд. пед. наук. СПб., 2002.
10. Кукушин В.С. Современные педагогические технологии: Начальная школа. Пособ. для учителя. - Ростов на Дону: Реникс, 2003. -448 с.
11. Лебедев О.Е. Теоретические основы педагогического целеполагания в системе образования: дис. ... д-ра пед. наук. СПб., 1992.
12. Левитес Д.Г. Практика обучения: современные образовательные технологии. /М.: Изд-во «Институт практической психологии»; Воронеж: НПО «МОДЭК», 1998.
13. Лутфиллаев М.Х. Маъруза машғулотларини ташкил этишнинг шакли ва методлари // Касб-хунар таълими. - Тошкент, 2003. -№2. - Б. 21-22.
14. Мавлянов А. Абдалова С. Эрназаров А. “Илғор педагогик технология бўйича ўқув машғулотини лойиҳалаш”. Замонавий таълим. 2016. №2. Б.25-29.
15. Мавлянов А., Абдалова С., Алламбергенова М,, Ильясова З. Ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. Тафаккур бўстони нашриёти. Тошкент, 2013. 142 б.